

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ СИФАТИДАГИ НУФУЗИ ВА
МАВҚЕИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек тилининг ёзма нутқи меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамда лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини тўлиқ жорий этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш;
давлат тилини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

давлат тилини ривожлантириш бўйича дастурлар ва "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, шунингдек, "Ўзбек тили байрами кунини"ни нишонлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

илмий асосланган янги сўз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбек тилига муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш, географик ва бошқа топонимик объектларга қўнун ҳужжатларида мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш;

давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) уч ой муддатда:

"Ўзбек тили байрами кунини"ни белгилаш бўйича қўнун лойиҳасини;

"Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қўнунини бугунги кун талаблари нуктаи назаридан такомиллаштирган ҳолда унинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига тавсия қилсин.

«Бошланғич 1-бета»

тон Республикаси Олий Мажлиси Қўнунчилик палатасига киритсин;

б) икки ой муддатда хорижий давлатлар таърибасини чуқур ўрганган ҳолда илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш бўйича Атамалар комиссиясини ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилсин;

в) 2020 йил 1 июнга қадар қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олган 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастури лойиҳаларини киритсин;

мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-моллия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш;

таълим муассасаларида давлат тилини ўргатиш ва уни билиш даражасини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, давлат тилининг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш;

давлат тили софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш; давлат тилининг ахборот ва коммуникация технологиялари, хусусан, Интернет жўн ахборот тармоғида муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш, ўзбек тилининг компьютер дастурларини яратиш; давлат тили қоидаларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни мунтазам ва ҳар томонлама

ўрганиш, уларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

мамлакатимиз ҳудудидида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатлар тилларининг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиш, уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бериш;

давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузи, унинг бошқа тиллар билан алоқалари истиқболларини белгилаш, хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар ва ўзбек тилини ўрганиш истагида бўлган чет эл фуқаролари учун ўзбек тили дарсликлари ва электрон дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни кенг миқёсда тарқатиш, ўзбек тилини ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қўнун ҳужжатларига ўшбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомидинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2019 йил 21 октябрь

САЙЛОВГА ОИД
САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

Халқимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа – Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар кунини тобора яқинлашмоқда. Шу йилнинг 22 декабрь кунини бўлиб ўтадиган сайловлардаги фаолиятимиз кўп жиҳатдан келгусидаги ҳаётимиз қандай бўлишини белгилаб беради.

Айни вақтда янги Сайлов кодекси асосида вилоятимизда ҳам сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни қизғин давом этмоқда. Бу жараёнларни диққат билан кузатиб бораётган муштарийларимиздан тахририятимизга сайлов қўнунчилигига оид турли саволлар келмоқда. Биз уларни жамлаб, Халқаро Матбуот маркази Тошкент вилояти бўлимига юбордик ва вилоят сайлов комиссияси котиби Дилшод Шоисмоновдан жавоблар олдик.

Садриддин АЛИЕВ,
Бекобод тумани:

– Бу йилги сайловларда овозликдан маҳрум қилинган шахслар ҳам овоз бериш ҳуқуқига эга, деб эшитдик. Шу тўғрисида?

– Саволингиз ўринли.

Чунки, аввалги қўнунчиликда суд ҳукми билан овозликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларнинг сайланиши мумкин эмаслиги ва сайловда қатнашмаслиги белгиланган эди. Янги ишлаб чиқилган Сайлов кодексида бу масала жиддий эътибор қаратилган. Жумладан, кодекснинг 5-моддасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан овозликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахсларнинг сайловда иштирок этмаслиги белгиланган. Ижтимоий ҳаётда катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларнинг сайловда иштирок этишини чекловчи нормалар чиқариб ташланган.

Хусан ЭШОВ,

Юқоричирчиқ тумани:

– Айримлар сайловларга нисбатан ишончсизлик билдириб, сайлов комиссияси аъзолари орасида номзодларнинг яқин қариндошлари ёки ишончли вакиллари бўлади, дейишмоқда. Бундай фикрларда асос борми?

– Тўғри, илгари шундай ҳолатлар кузатиларди. Сайлов қўнунчилигида номзоднинг яқин қариндошлари ёки ишончли вакиллари сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмаслиги қайд этилган эди. Бу эса сайловчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўларди. Эндilikда бундай ҳолатларга барҳам берилди. Чунки, сайловларимизнинг демократия тамойиллари асосида, ҳалол ва адолатли ўтишининг ўзига хос қафолати бўлиб хизмат қиладиган Сайлов

кодексининг 25-моддасида мазкур талаблар қайд этилган. Унга кўра, номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, шунингдек, номзодларга бевоқиф бўйсунувчи шахслар сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Жасур ХОЛОВ,
Паркент тумани:


– Аввалги сайловлар вақти 6:00 дан бошланар эди. Оқини, бу сайловнинг адолатли ўтишига тўқинлик қиларди. Масалан, эрта тонгда, ҳали кузатувчилар тўлиқ йиғилмаганидан фойдаланиб, бир киши бутун бир оила номидан овоз бериб кетаварар эди. Бу сафарги сайловларда овоз бериш вақти ўзгаргани ростми?

– Албатта, бу масала қўнунчилигимизда ҳисобга олинган. Сайлов кодексининг 51-моддасида овоз бериш сайлов кунини соат 8:00 дан 20:00 гача ўтказиш белгиланган. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2018 йилда қабул қилинган "Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан, сайлов кунини овоз бериш учун келган фуқаролар сайлов жараёнида бошқариш бўйича ахборот тизими операторларига мурожаат қилишади. Айнан мазкур тизим орқали сайлов бюллетенини олиб, овоз бериш кабинасида ўзлари танлаган номзодга овоз беришади. Жараёнларнинг шу тартибда амалга оширилиши бир шахснинг бир неча маротаба овоз бериши ёки бир кишининг бутун оила аъзолари учун овоз беришининг олдини олишга хизмат қилади. Демак, эндиги сайловда бир кишининг барча оила аъзолари номидан овоз беришга уриниши фойдасиз.

К. САЛОМОВА ёзиб олди

Ёшлар форуми

Президентимиз илгари сурган 5 та муҳим таъаббус бўйича ёшлар иқтидорини қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш мақсадида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Самарқанд шаҳрида ўтказилган "5T Yoshlar forumi" Республика конференцияси ҳам шу мақсадга қаратилди.

ИМКОНИЯТЛАР
КАЛИТИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, қатор университетлар ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган икки кунлик форумда 17 дан 30 ёшгача бўлган 500 га яқин ёшлар қамраб олинди. Конференция қатнашчилари "Маданият ва санъат", "Спорт, саломатлик ва экология", "ИТ-ахборот технологиялари", "Китобхонлик", "Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш", "Бизнес", "Туризм" йўналишлари бўйича ўз илмий мақола ва лойиҳалари билан иштирок этишди. Иштирокчилар учун форум доирасида қизиқарли дебатлар, пресс конференция ва учрашувлар ташкил этилди. Шунингдек, ёшлар Самарқанд шаҳри бўйлаб саёҳат қилишди, концерт дастурлари, "Мевалар дастурхони" каби кўнгилочар тадбирларда қатнашди.

– Мазкур форум чин маънода янги имкониятлар, ўзаро фикр алмашинуви, янги билим ва кўникмалар ҳамда қизиқарли таъинишларга бой бўлди, – дейди Чирчиқ давлат педагогика институтининг математика ўқитиш методикаси йўналиши учинчи босқич талабаси Хурсаной Мўминова. – Конференцияда "Китобхонлик" йўналиши бўйича "Китобхон оила – китобхон жамият" мавзусидаги мақолам билан иштирок этдим. Фикримча, оилада китобхонлик маданиятини шакллантира оласан, энг катта ютуқ шу бўлади.

Конференцияда фаол иштирок этган ёшлар ташкилотчилар томонидан тақдирланишди. Ёпилиш маросими сўнггида "Фидойинг бўлгилар сени, Ўзбекистон!" қўшиғи барча қатнашчилар жўрлигида қўйилди.

Мафтунахон СУННАТИЛЛАЕВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси

ТАРИХИМСАН, ТАҚДИРИМСАН, КЕЛАЖАГИМСАН, ОНА ТИЛИМ!

Нурафшон шаҳрида тил байрами катта тантана билан нишонланди

Она тили – миллатнинг руҳидир. Тилни асраш, ривожлантириш – миллатнинг юксалиши демак. Бир сўз билан айтганда, тил яшаса, миллат яшайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 4 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни янада юқори босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қарорга кўра, юртимизнинг барча гушаларида тилимизни мадҳ этувчи бадиий ва маданий-маърифий тадбирлар, турли кечалар, анжуман ва танловлар ўтказилмоқда.

Нурафшон шаҳридаги "Ёшлар маркази"да ўтказилган "Тил – миллат кўзгуси" мавзусидаги тадбир ҳам мазкур қарор ижросига бағишланди. Унда вилоят ҳокимлиги мутасаддилари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, ўзбек тилини ривожлантиришга қаратилган тадқиқотлар, илмий-оммабон



асарлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари, янги лугатлар чоп этилаётгани тилимизни янада чуқурроқ ўрганишимиз, шу тариқа тафаккуримизни юксалтиришимизга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Жумладан, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши амалда мамлакатимизда истиқомат қилувчи бошқа миллат ва элат вакиллари тилларининг равнақи учун ҳам ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди.

– Тил – инсон қиёфаси ва ички гўзаллигини намоён этувчи беқиёс куч, – дейди шоир Ботир Эргашев. – Собиқ тузум ҳукмрон бўлиб турган 1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши истиқлолга эришиш йўлидаги энг муҳим қадам бўлди. Ватанимиз мустақилликка эришган, она тилимиз ўзининг ҳақиқий мавқеини тиклади.



Конституциямизда давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. "Давлат тили тўғрисида"ги Қўнуннинг қабул қилиниши эса она тилимизнинг тараққиёти, ривожланиши ҳамда ўзига хос ва бой тарихини намоён этишга кенг имконият яратди.

Дарҳақиқат, она тилимиз ўзбекча на лутф, муомала, миллий кадриятлар, одоб-ахлоқ, маданиятимиз қазини. Шу боис, ҳар биримиз она тилимизни асраб-авайлашимиз, ҳурмат билан муносабатда бўлишимиз лозим. Уни фақат йилда бир белгиланган санада эмас, балки ҳар кун, ҳар дақиқада тараннум этмоғимиз жоиз.

Тадбирда она тилимизни мадҳ этувчи ғазал ва рубоийлар ўқилди, куй ва қўшиқлар янгради.

Ўз мухбиримиз

Ў Интилиш



Ишлаб чиқариш корхоналари инфратузилмасини шакллантириш аҳоли учун ҳам қатор қўлайликлар яратиши дунё таърибасидан маълум. Бир неча йилдан буён бу амалиёт юртимизда кенг қўлланилмоқда. Айни кунларда самарали фаолият юритиб келаётган кўплаб эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ташкил этилгани фикримиз далилидир.

ИМПОРТ ЎРНИНИ
БОСУВЧИ МАҲСУЛОТ

Паркентлик тадбиркор Бердиёр Ортиқалиев ҳам сутни қайта ишлаш корхонасини ташкил этган эди. Бугунги кунда келиб, корхонада бир кунда 40 тонна маҳсулотга ишлов берилиб, қуруқ сут ҳолига келтирилмоқда ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот сифатида ички бозорларга чиқарилмоқда.

Айни кунда мазкур корхонада 22 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Корхона раҳбарияти томонидан келгусида яна 65 иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Албатта, бундай ишлаб чиқариш корхоналарининг кўпайиши ҳудуд



иқтисодийоти ривожига хизмат қилади.

Шухрат ЭРКАБОВ
Зиёвуддин ХОЛИКОВ
олган суратлар

НОВАБРАДАН
НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?Мобиль қурилмалар
рўйхатга олинади

Ўзбекистон ҳудудидида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб қилинадиган ва ишлаб чиқариладиган мобиль қурилмалар жисмоний шахслар, импорт қилувчилар ва ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг мобиль қурилмаларни халқаро ўзига хос идентификация кодлари бўйича рўйхатга олиш тизимига мурожаат қилиши орқали 2019 йил 1 ноябрдан бепул, 2019 йил 1 декабрдан эса пулли асосда рўйхатга олинади.

Ҳисоблагичлар фақат ДХМ ёки
ЯИДХП орқали қиёсловдан
ўтказилади

2019 йил 1 ноябрдан бошлаб ҳисобга олиш ускуналарини қиёсловдан ўтказиш бўйича давлат хизматлари фақат Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилади. Бунда, ҳисобга олиш ускуналарини қиёслаш даврийлиги:

– юридик шахслар учун – 4 йил;
– жисмоний шахслар учун – 8 йил;
ни ташкил этади.

Сув ҳўжалиги вазирлиги идора ва ташкилотлари
ходимларининг иш ҳақи ошади

Сув ҳўжалиги вазирлиги идора ва ташкилотлари ходимларининг базавий тариф ставкаларига 2019 йил 1 ноябрдан 1,1 ва 2020 йил 1 январдан 1,2 миқдорда тузатиш коэффициентини қўллаш ҳисобига уларнинг иш ҳақи оширилади.

Қарамоғига
олишдан
аввал...

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага тарбияга (патронат) олаётган ёки оилавий болалар уйи ташкил этаётган фуқароларни тайёрлаш мақсадида "Меҳрибонлик" уйлари ва болалар шаҳарчаларида "Тутинган ота-оналарни тайёрлаш курслари" ташкил этилади.

Туристик салоҳиятга эга
фуқаролар
йиғинларининг
рўйхати тузилади

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси энг юқори туризм салоҳиятга эга бўлган фуқаролар йиғинлари рўйхатини шакллантиради. Шунингдек, ушбу фуқаролар йиғинлари ҳудудларида 20 тадан кам бўлмаган оилавий меҳмон уйлари ташкил этилганда ва туристлар учун қамда беш хил хизмат турлари қўрсатилган тақдирда уларга "Туризм маҳалласи", "Туризм қишлоғи" ёки "Туризм овули" мақоми беради.

Ҳуқуқий ахборот манбалари
хабарлари асосида
тайёрланди

АНГРЕНДА ЯНГИ ЗАВОД ИШГА ТУШАДИ

Ангренда минерал вата ишлаб чиқаришда минтака лидери бўладиган Angren Insulation заводи ташкил этилди.

Маълумки, минерал ватадан қурилиш саноатида бино деворлари, шифтидан тортиб пойдевори гача иссиқликни сақлаш воситаси сифатида доимий фойдаланилмоқда. Чунки, шундай қопламалар исталган бинонинг иссиқликни сақлашида яхши натижа кўрсатади ва бинони иситиш учун камроқ энергия сарфланишига сабаб бўлади.

□ Яхши хабар

Масалан, кондиционер, иситиш батареялари, иситиш котёллари камхарж вариантларга алмаштирилган кўра, уйдан иссиқлик чиқиб кетадиган жойларни минерал вата билан таъмирлаш кўпроқ фойда беради. Шунингдек, халқаро статистикаларга кўра, энергияни сақлаш давлатнинг энергия тежашдаги харажатларини 30 фоизга арзонлаштиради.

Завод шу махсулотни ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилиш бўйича Ўзбекистонни минтака етакчилигига олиб чиқиш кўзда тутилган. Минерал вата махсулоти биргина Ўзбекистоннинг ўзидаги қурилишларда кенг масштабда фойдаланилса, БМТ ҳисоб-китобларида кўра, йилга 10 миллиард метр кубдан кам бўлмаган табиий газ тежаб қолинади.

Қўшма корхона маҳаллий инвесторлар ҳамда хорижий ҳамкорларнинг бошланғич 15 миллион АҚШ долларини инвестициялари ҳисобига қурила бошланди ва 2020 йил бошида ишга туширилади. Шунингдек, босқичма-босқич жами киритиладиган инвестициялар миқдори 42 миллион АҚШ долларини ташкил қилади.

Завод етакчи халқаро ишлаб чиқарувчиларнинг автоматлаштирилган ускуналари билан жиҳозланади ва йилга 50 минг тоннадан ортиқ тайёр махсулот ишлаб чиқара олади.

Ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистоннинг МДХ бозорларида машҳур бўлган иситиш қопламалари таркиби яна бир махсулотга кенгайди ва тез орада халқаро бозорда етакчи ўринларга чиқиб олади.

©haqiqatonline

Тахририятимизга виллоятимизнинг Зангиота тумани, "Файз" маҳалласи, 1-уй, 39-хонадондан мурожаат бўлди. Унда келтирилишича, уч хонали хонадонда айни пайтда ўн икки киши истиқомат қилар экан. Ачинарлиси, уларнинг барчаси ногиронлиги бор шахслар. Ҳаммаси эшитиш ва гапириш имкониятидан маҳрум қилинган. Таажжубланарлиси, уларга ҳеч ким – на ҳокимият, на кар ва соқовлар жамияти ёрдам бермаётганмиш. Вазиятни нечоғли жиддий эканини билиш мақсадида айтилган манзил сари отландик.

Эшик қоққанимизда, бизни Муллаёровларнинг вакили Минавар Аминова қарши олди.

– Қирқ йилдан ортиқ кар ва соқовлар жамиятида таржимонлик қилдим, – дейди Минавар Аминова. – Шу давр ораллигида жамиятдаги кар ва соқовларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кўлаб, кўп жойларга югурдим. Бу оилани ҳам анчадан бери биламан. Кўриб турганимиздек, шу уч хонали уйда ўн иккита ногирон шахс тикилиб яшайди. Уларга уй-жой сўраб, тегишли жойларга мурожаат қилдим. Бир неча маротаба туман ҳокимлигига, маҳалла идорасига бордим. Афсуски, бу уринишларим натижа бермади. Ҳокимлик ва маҳалла идораси орасида қатнайвериб, "Фармон бўви", деган ном олганим қолди, холос. Бу опага нима зарур экан, деган хаёлга бораётган бўлсангиз керак. Буларга ёрдам беришдан ҳеч қандай манфаатим йўқ. Шунчаки инсонийлик юзасидан ёрдам бераман. Ахир, улар ҳам одам.

Ха, шу ўринда опа ҳақ. Гарчи эшитиш ва сўзлашиш қобилиятидан маҳрум бўлса, улар ҳам шу жамиятнинг тўла-тўқис аъзоси. Уларнинг ҳам бугунги ислохотлар, давлат томонидан яратилаётган қулайлиги имкониятлардан фойдаланишга ҳаққи бор.

Аслида иккита ва ундан ортиқ болали кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, имконияти чекланган шахслар, айниқса, аёллар ижтимоий ҳимояга олинмиши керак. Тўғри, имконияти чекланганларга давлат томонидан маълум миқдорда ёрдам пули берилади. Бироқ, қўл билан берганга қўш ҳам тўймас, деганларидек арзи-

мас нафақа билан нима ҳам қилиб бўларди?


Муллаёровлар вакили М. Аминованинг қўшимча қилишича, югур-югурлар ҳеч қандай самара бермагач, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига бир неча маротаба мурожаат йўллаган. Аммо, афсуски, мурожаатлар айланиб-айланиб, яна қайтиб, Зангиота тумани ҳокимлигига келиб тушаверган. Охир-оқибат, ту-

қилган мурожаатларидан безган туман ҳокимлиги раҳбарлари агар бошланғич бадални тўласа, унга ҳам имтиёзли уй-жойлардан хонадон ажратишга ваъда берган. Шундан сўнг у қарз-қавола қилиб, Халқ банкининг туман филиалига йигирма миллион сўм атрофида маблаг қўйган. Аммо...

– Улар сўраган пулни тўлаганимга ҳам бир ойдан ортиқ вақт ўтди, – дея сўзида давом этади Ф. Муллаёрова. – Шундан бери Минавар опа билан ҳокимлик биносига сарсон-саргардонмиз. Мутаасаддилар ҳали унга, ҳали бунга учраш, деб у ёқдан бу ёққа


Кунлик ишлар билан банд. Муқим қиладиган иши йўқ. Бир неча жойларга иш сўраб мурожаат қилганимиз. Лекин, бизни кар ва соқов, деб ҳеч ким ишга олишни истамайди. Ўзим онам билан кўпача тикаман.

– Шу пайтгача давлатдан бирон бир ёрдам сўрамадик, – дейди биз билан М. Аминова ёрдамида суҳбатлашган Умида Холметова. – Уч фарзандни вояга етказишнинг ўзи бўлмади. Не-не азобларни бошдан кечирдик. Қизимни турмушга бердик, бир ўғилни уйлантирдик. Икки ўғлим отаси билан пойтахтдаги автотураргоҳларнинг



«ЯШАШ МУДДАТИ ЧЕКЛАНГАН»ЛАР

Уларга ким ёрдам беради?



бирида ишлайди. Кенжа ўғлим уйимизда жой йўқлигидан кўча-кўйда ётиб юрибди. Унинг ёши ҳам йигирма бешдан ошган. Уйлантиришим керак. Ишқилиб ёмон йўлга кириб кетмас, бирон бир жиниятга қўл уриб қўй-

маса бўлди, деб кечалари илтижо қилиб чиқаман.

Англаганимиздек, барча ислохотлар инсон омили учун амалга оширилаётган, халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган тамойил кун тартибига кўтарилган айни бир паллада ижтимоий ҳимояга муҳтож, боз устига, имконияти чекланган бир оилани шундай "илтифот" кўрсатилмоқда. Хўш, ҳокимликдаги мутасаддиларнинг ҳатти-ҳаракатини қандай изоҳлаш мумкин? Нима учун улар қўл учидан кун кўраётган бир оилани мушкул аҳволда қолдириб, йўқ уй-жой учун бошланғич тўлов ундириб олишди?

Ўрни келганда бир нарса-

ни алоҳида таъкидлаб ўтмасак, бўлмас. Газетамизнинг жорий йилдаги бир нечта сонларида айнан Зангиота туманидан келган икки-учта мурожаат юзасидан мақола эълон қилганмиз. Ўша мақолаларни илова қилиб, ҳокимлик хат ҳам юборганмиз. Афсуски, ҳокимлик томонидан мурожаатларимизга ҳеч қандай муносабат билдирилмади.

Юқоридаги мурожаатни ўрганиш давомида ҳам фақат бир томоннинг сўзи билан қиёёланмаслик, вазиятни ноҳолис ёритмаслик мақсадида туман ҳокимининг тегишли масалалар бўйича ўринбосарига, қолаверса, ҳокимликка бир неча маротаба кўнғирок қилдик. Афсуски, бу сафарги уринишларимиз ҳам худди аввалгиларидек бесамар кетди.

Йиғлаб борсанг, хўнграб чиқад!

Ха, ҳаёт ҳар кимни турлича синайди. Мазкур хонадон соҳиблари ҳам тақдир берган синовга дош бериб яшашмоқда. Тасаввур қилаясиз-

ми, бир оилада шунча имконияти чекланган инсон-а? Ҳаммаси биринчи гуруҳ ногирони. Ажабланарлиси, барчасининг ногиронлик варақасига "Яшаш муддати чекланган", деган дахшатли сўзлар битилган. Наҳотки, шундай инсонларга ҳеч ким ёрдам бермас? Сўнгги йилларда мамлакатимизда имконияти чекланган, ногиронлиги бор шахсларни қўллаб-қувватлаш борасида бир қанча қарор ва фармонлар эълон қилинди, ахир!

Шундай ўй-хаёллар билан хонадондан чиқиб, йўл-йўлак "Файз" маҳалла фуқаролар йиғинига кириб, оқсоқолга юзландик. Аммо...

Биз йиғлаб боргандик, улар хўнграб чиқди.

– Раисликка сайланганимга кўп бўлмади, – дейди оқсоқол Мурод Қодиров. – Аммо, сиз айтаятган оилани жуда яхши танийман. Ҳақиқатан ҳам барчасининг имконияти чекланган. Бироқ, уларнинг қўлоғи бутун, меҳнатга яроқли. Бемалол ўзини ўзи эплай олади. Бундан ташқари, ҳокимлик томонидан оиланинг катта қизига яшаб туриши учун шу яқин атрофдан бир хонали уй ажратилган эди. Лекин, у ерда яшашни ўзи истамаяпти. Тўғри, шароити зўр эмас, аммо бир амаллаб кун кечирса бўларди.

Қолаверса, маҳалламизда бундан-да абгор, уй-жойсиз, хатто, вагонда яшаб юрган оилалар бор. Шундайлар турганда Муллаёровларга қандай ёрдам беришимиз мумкин? Билишимча, уларнинг турмуш шароити жа сиз айтганчалик аянчи эмас. Унча-мунча одамдан яхши яшашида. Шунинг учун бу оилага биз ҳеч қандай ёрдам бера олмаймиз...

Маҳалла раисининг бир имконияти чекланган оила ҳақида айтган гапларидан очиги, қаттиқ таъжжубландик. Хўп, маҳаллада бундан-да хароб оилалар бор экан, унда маҳалла раиси, фаоллари қаерга қараяпти?

Майли, ҳар не бўлганда ҳам, мақола эълон қилингандан сўнг ҳокимлик ва маҳалла идорасидагилар бу оила муаммоларини ичига кириб, жиддийроқ шуғулланишди, деган умиддамиз.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

ЎКТАМЛИК ВА ШИЖОАТ СИНОВИ

Мудофаа вазирлиги Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлиги қарашли Тошкент вилоятида жойлашган ҳарбий қисмларнинг бирида шахсий таркибнинг жанговар шайлиги яна бир бор синовдан ўтказилди.



□ Муқаддас бурч

"Тревога" сигнали билан бошланган кенг қўламли ўқув машғулотларида ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлиги, мураккаб вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш,

қўриқланаётган ўта муҳим объектнинг ҳавфсизлигини таъминлаш борасидаги билим ва тажрибаси бугунги кун талабига қай даражада мослиги текширилди.

Ушбу жанговар шайлик текширувида Тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмон-

донлигига қарашли ҳарбий қисм шахсий таркиби билан бирга ДХХ, Ёнғин хавфсизлиги хизмати, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар ва Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари иштирок этишди.

Ўқув машғулотлари доирасида фавқулодда вазиятлар, кўнғилсиз ҳодисалар, ёнғинни бартараф этиш борасида ҳам машғулотлар ўтказилди.

Тошкент вилояти
ҳокимлиги
Ахборот хизмати

ХИЗМАТ МАДАНИЯТИ ЗАМОНГА МОС БЎЛИШИ КЕРАК



Мамлакатимизда ҳудудларни жадал ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш, аҳоли даромадлари ва ҳаёт сифатини ошириш, шунингдек, инвестиция жозибадорлигини яхшилашнинг таъминлайдиган миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири сифатида туризмни ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, юртимизга хорижлик сайёҳлар оқимини кенгайтирмоқда.

□ Қарор ва ижро

Туристтик инфратузилманинг жорий ҳолати хорижлик сайёҳлар ва аҳолига қўрсатилаётган туристик ҳамда бошқа тегишли хизматлар сифатини яхшилашга доир муҳим вазифалар ижросини бекам кутиб таъминлашни тақозо этади. Масалан, аҳоли ва туристлар учун қўшимча қўлай шароитлар яратиш, истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, автомобилларга газ тўлдириш компрессор станциялари, автомобилларга газ ва ёқилғи қўйиш шаҳобчаларини замонавий талабларга му-

вофиқ жиҳозлаш ва мослаштириш ҳам шу вазифалар сирасига кирди.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрда "Йўлбўйи ва туристик инфратузилмани янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Шу ўринда аччиқ бир ҳақиқатни таъкидлаш жоизки, айни пайтда республикамиздаги автомобилларга ёқилғи қўйиш бўйича газ ва ёқилғи қўйиш шаҳобчаларининг 80 фоизи тегишли сани-

тария-гигиена шаҳобчалари билан таъминланмаган. Бу эса фуқаролар, шу жумладан, туристларнинг кўплаб мурожаатлари ва шикоятларига сабаб бўлмоқда.

Шу тўғрисида, қарорда 2020 йил 1 мартдан бошлаб, жамоат мақсадларига мўлжалланган ва кечакундуз ишлайдиган, санитария ва шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари талабларига жавоб берадиган санитария-гигиена шаҳобчалари билан жиҳозланмаган станцияларнинг фаолият кўрсатишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Айни пайтда, қарор талабларига асосан Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги "Ўзнефтьгазинспекция" томонидан юқоридаги хизмат кўрсатувчи тузилмаларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда, уларнинг санитария ва шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари талабларига мувофиқлигини ўрганиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарурий чоралар кўрилмоқда.

Хусусан, "Ўзнефтьгазинспекция"

Тошкент ҳудудий бошқармаси томонидан Тошкент шаҳри ва вилоятида фаолият кўрсатаётган 122 та АГТКС, 22 та АГКС ва 345 та АЕКСлар раҳбарларига Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори талабларининг мазмун ва моҳияти кенг тушултирилди. Ҳозирги кунда бошқармамиз ходимлари ёқилғи қўйиш шаҳобчаларида ҳудудий ишчи гуруҳ томонидан ўтказиладиган хатловда иштирок этиш учун тайёргарлик кўришмоқда.

Ўйлаймизки, бошқармамиз жамоаси қарор талабларининг бекам кутиб бажарилиши, бу орқали, мамлакатимиздаги ободлик ва янгилиниш жараёнарига, шунингдек, юртимиз сайёҳлик салоҳиятининг янада раванқ топишига ўз муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Бекзод СОБИРОВ,
"Ўздавнефтьгазинспекция"
Тошкент ҳудудий бошқармаси
бошлиғи ўринбосари

Эълон

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2019 йил 21 ноябр кун соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига АТ "Халқ банки" Тошкент вилояти Зангиота филиалининг 18.10.2019 йилдаги №04-09/242-сонли биюртма-номасига асосан банк тасарруфидан бўлган Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Назарбек ҚФЙда жойлашган умумий қурилиш ости майдони 183,70 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 149,55 кв.м.дан иборат мини банк биноси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 181 039 329 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк 2019 йил 21 ноябр кун соат 11.00 да сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2019 йил 6 ва 23 декабр кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Кўчмас мулк билан тегишли Халқ банки филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закалат келишувига асосан кўчмас мулк бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖнинг АТ "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: 20208000100757166001. МФО: 01132. СТПР: 304 802 952.

Талабгорлардан аризалар қабул қилиш аукцион савдоси санасидан бир иш кун олдидан соат 16.00 да тўхтатилади. Савдо қолибига аукцион савдоси натижалари бўйича солибик баённомаси имзоланган ганадан бошлаб, 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулк учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй. Тел.: +998-71-236-25-53. www.capitaltrust.uz

Лицензия RR – 0298.

Сўнгги йилларда юртимизда кенг қулоқ ёзаётган бунёдкорликлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Уларнинг ҳар бири кўплаб мақолалар учун мавзу бўла олади. Бугун Қибрай туманида автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берамиз.

Обод манзиллар



хассиси Баҳром Нейматов. – Уzunлиги 5-7 километр оралиғида, эни тўрт тасмали бу йўл жаҳон андозалари даражасига етказилди. Дастлаб йўлга шағалтош ётқизибли, битум билан ишлов берилди, хом ашёнинг мустаҳкам бириктириш учун чақиқ тош аралаштирилди. Бу технологик жараён йўлнинг узоқ йиллар хизмат қилишини таъминлайди. Ҳаракат

туташиришга хизмат қилади. Шу кунларда "Тошкент халқа йўли"га тугаш М-396 йўлида жорий таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда. Ушбу йўлнинг узвий давоми бўлган Дўрмон масканига элтувчи автомобиль йўлининг икки чеккаси кўчаларга қилинган. Кўчалар ёритиш тизими ҳам пешма-пеш янгиланмоқда. Йўлни жорий йилнинг тўртинчи чорагида топшириш режалаштирилган.

Бу масъулиятли вазифани унитар корхона тасарруфидаги 417-йўл бўлими бошлиғи Уйғун Эгамбердиев раҳбарлигидаги 20 нафар йўлсоз 3 та техника кучи билан амалга оширмоқда.

Шунингдек, 137 нафар малякани ишчи, муҳандис-техниклар ёрдамида тумандаги барча автомобиль йўллари намунали сақланмоқда. Жорий йилда жами 84 километр йўл таъмирланди. Жумладан, "Чирчиқ – Байтқўрғон" авто-

Реклама ўрнида

БИЗ БИЛАМИЗ НАВОЙИ

Алишер Навоийнинг қачон ва қаерда яшаганини ҳаммамиз ҳам биламиз. Деярли барча дарсликларда ҳазратнинг таржimai ҳоли берилган. Аммо, бошқа манбаларда ҳам унинг ҳаётидаги бетакрор воқеалар айтиб ўтилган. Ўзбек халқ озаки ижодида мансуб "Эл деса Навоийни", Ғиёсиддин Хондамирнинг "Мақорим ул-ахлоқ" ва Зайниддин Восифийнинг "Бадойе ул-вақое" асарлари шулар жумласидандир.

Навоий ҳазратларининг ҳозирги замон турмуш тарзи ва тарбиясида тугган ўрнини ёритиб бериш уни англамакнинг энг мақбул йўлидир. Ҳаётидаги ибратомуз ҳодисаларни очиб бериш ва ундан намуна ола би-
лиш бизнинг бурчимиздир!



Моҳият

Айтишларча, кунлардан бир кун юқори мартабали ушбу Амир (Навоий) гавҳарлар соҳувчи тиллари билан шундай дедилар:

– Султон Абусаид подшоҳлигида жума кунларнинг бирида Ҳирот шаҳри ичидаги жоме масжидида намоз ўқиб, хиёбонга бориш ҳаёли билан йўлга тушди.

Масраҳ кўчасига етишимга яқин қолганидан кўрдимки, афтодаҳол ва бечора бир тиланчи ўтирганча:

– Аёлманд кишиман, бир неча оч ва яланғоч болам бор. Эрталабдан шу ерда ўтириб, тиланчилик қиламан, бироқ ҳалигача бирор киши менга бир чақа ҳам садақа қилмади, – дер эди. Ул ҳазрат (ўз сўзларида давом этиб) шундай дедилар:

– Ўша вақт ёнимда бир тангагина пулим бўлиб, бундан бошқа бу дунёнинг қўлга киритиш мумкин бўлган бойликларидан бир дончалик ҳам нарсам йўқ эди. Шунда ўзимга ўзим: "Энг кичик заррадан энг йирик нарсаларгача бўлган мавжудотларнинг Яратувчисига таваккал қилиб, ана шу тангани ўша тиланчига бергин, у бугун аёли ва бо-

лаларига егулик олса, эртага пок ва улуг Парвардигор бошқа бирор жойдан сенга ризқ етказадир", дедим. Шундан сўнг тангани унга бериб ўтиб кетдим ва шом намозигача хиёбонда сайр қилиб юрдим.

Бироқ, қайтиб келаятганда ўша тиланчининг ўша жойда ўтириб, айнан бояги сўзларни айтиб садақа сўраётганини кўрдим. Унинг тиланчиликдаги ўта ёлғончилигини ва ҳаддан ташқари очкўзлигидан ҳайратга тушдим. Аммо, бу нарсани билиб қолганлигимни унга билдирмадим.

Камбағал кишида бор ярим нони, Агар ҳада қилса ўшал борини. Сахийдур дунёнинг ҳар султонидан – Ким, ярим шоҳлигин эҳсон айлаган.

Кимдандир эшитган эдим: "Навоий вазир бўлганлиги учун барча қулайликларга эга бўлган, шундан фойдаланиб, тинимсиз ижод қилган-да!" – деб. У ҳақдаги манбаларга кўз ташласак, бу фикрнинг пуч экани маълум бўлади. Унинг авлиёларга хос ҳаёти, нафс билан олиб борган курашларини ўрганиш барчамизнинг кўнгилмизидир. Поклай-
ди.

Сиз ҳам ушбу манбаларни топиб ўқийингизни маслаҳат берамиз. Юқорида келтирилган ҳикоят Хондамирнинг "Мақорим ул-ахлоқ" китобидан олинган.

Шоҳрўз МҲМИНЗОДА тайёрлади

РАВОН ЙЎЛ МАНЗИЛНИ ЯҚИН ҚИЛАДИ

Туман ҳудудида 79 километр давлат аҳамиятидаги, 87 километр маҳаллий – жами 166 километр умум-фойдаланишдаги автомобиль йўллари мавжуд. Мазкур йўлларнинг ҳолатини сақлаш бўйича туман йўлсозлари томонидан 7 минг 600 м² да оқлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, йўл марзалари ва темирбетон ариқлар тозаланди. Бунинг учун салкам 903 миллион сўмлик ишлар амалга оширилди.

Бундан ташқари, туман ҳудудидан ўтувчи "Тошкент-Чирчиқ-Чимён" автомобиль йўлининг 56-километрида ҳосил бўлган чуқурчалар таъмирланди, 54-километрга йўл ётиқ қилишлари қилинди, эскирган йўл белгилари алмаштирилди. 3 километр ма-

софадаги эски кабеллар алмаштирилиб, тунги ёритиш чироқларидаги носозликлар бартараф этилди. Серкатнов йўлларга светофор ўрнатилиб, 6 та автобекат қурилди. Бу ишлар учун салкам 1 миллиард 530 миллион сўм сарфланди.

Ҳар соҳада бўлгани каби йўл қурилишида ҳам сифат катта аҳамиятга эга. Бу жараёнда белгиланган талабларга қатъий риоя қилиш керак.

– Автогрейдер – мураккаб техника бўлиб, йўл қурилишида асосий вазифани бажаради, – дейди вилоят автомобил йўллар ҳудудий бошқармаси Қибрай йўллардан фойдаланиш унитар корхона-си раҳбари Козим Алим-хўжаев. – Йўл қурилиши қатъ-



ий лойиҳа асосида, геодезия ўлчамларида мос бўлиши зарур. Иш якунлангандан кейин ана шу талаблар ижроси яна бир назардан ўтказилиб, сифат бўйича якуний хулосага келинади.

– Шу йили "Бурота – Қодирия ГЭС – Ғишт завод" автомобиль йўлини карта усулида жорий таъмирлаб, фойдаланишга топширдик, – дейди туман йўллардан фойдаланиш корхонаси бош мута-

хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 3 та автобекат ўрнатилди, 46 донга эскирган йўл белгилари алмаштирилди. Бунёдкорлик ишларига жами 1 миллиард 820 миллион сўм сарфланди. Мазкур муҳим объект туман аҳолисини пойтахтга қатнашини янада осонлаштирди.

Дарҳақиқат, бу кўча халқаро аҳамиятдаги "Тошкент халқа йўли"ни "Қибрай – Чорвоқ" автомобиль йўлига

мобил йўлининг "Шодлик" кўчасидаги ариқ устидан ўтган 6 метр узунликдаги кўприк қайта қурилди.

Амалга оширилаётган ишларнинг барчаси туманмиш иқтисодиёти юксалиши ҳамда аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланишига хизмат қилади.

Маъмуржон ҚИЁМОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири
Абдор ЭСОНОВ
олган суратлар

ЧИМЁН БАҒРИДА УЧ КҮН

Бўстонлик туманидаги "Ёшлар" оромгоҳида биринчи халқаро спорт саммити бўлиб ўтди.

Анжуман

Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида ўтказилган анжуманда мамлакатимиз ва қатор хорижий давлатлардан ташриф буюрган истеъдодли ёшлар иштирок этишди. Қатнашчилар уч кун давомида ўтказилган маҳорат дарсларида спорт журналистикаси, мусобақаларга жисмонан ва руҳан тайёргилиш, туризм ва бизнес соҳасига оид қизиқarli билимларни эгалладилар.

Бунда уларга тажрибали руҳшунос Шоира Исоқова, машҳур футбол шарҳловчилари Хайрулла Хамидов ва Даврон Файзиёв, моҳир дизайнер Нуржон Фармонвалар яқиндан ёрдам беришди.


Аҳамиятлиси, тадбир иштирокчиларининг ақсариёти талабалар ва ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчилари бўлди.

– Бундай саммитлар спортчиларни мусобақаларга самарали тайёрларлиқ кўришига ёрдам беради, – дейди Янгийўл шаҳар 10-умумтаълим мактаби 11-синф ўқувчиси Сарвиноз Шомуротова. – Улар қандай овқатланишидан тортиб, хатти-ҳаракатларига батафсил ўрганилиб ва керакли тавсиялар берилди. Бу борада ханузгача ҳеч қандай адабиёт чоп этилмаган. Мазкур саммит материаллари асосида қўлланма нашр этилса, жуда соз бўларди.

Анжуман қизиқarli лаҳзаларга бой бўлди, дунёнинг турли мамлакатларидан келган ёшларни бирлаштирди.

Яқинда иштирокчиларга сертификат топширилди.

Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири



ГАСТРОНОМИК ХАРИТА ЯРАТИЛДИ

Тошкент вилояти туризми ривожлантириш департаменти ташаббуси билан вилоятнинг ўзига хос миллий ва Европа таомлари, дам олиш масканлари ҳамда хизмат кўрсатиш сифати билан алоҳида ажралиб турувчи умумий овқатланиш масканларини ўзида акс эттирувчи гастрoномик туризм харитаси ишлаб чиқилди.

Хаританинг эътиборга молик жиҳати – ушбу умумий овқатланиш масканларининг жойлашган ўрни (геолокацияси)ни QR код ёрдамида аниқлаш имконияти мавжуд.

Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати

СПОРТ | СПОРТ | СПОРТ | СПОРТ | СПОРТ | СПОРТ | СПОРТ | СПОРТ | СПОРТ | СПОРТ

ОҲАНГАРОН ҚИЗИ – ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

БААнинг Фужайра шаҳрида бокс бўйича ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати финал баҳсларига беш нафар ўзбекистонлик қизлар етиб келган эди.

Офарин!

Улар орасида дастлаб қитъа ғолиблиги учун 50 кг. вазн тоифасида Оҳангарон шаҳри фарзанди Феруза Казокова рингга кўтарилди. У хитойлик Лан Пинг Денгга қарши Осиё чемпионлиги учун жанг олиб борди. Ажойиб жанг кўрсатган спортчимиз ғалаба қозониб, Осиё чемпионига айланди.



Тошкент денгизи қирғоғида жойлашган "Rowing & canoe" байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича машғулотлар базасида кун тартиби жуда қатъий белгиланган. Бу ерда спортчилар халқаро турнирларда қатнашиш учун бор куч ва имкониятларини ишга солиб шугулланишади.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Олимпия қўмитаси кўмағида мазкур мажмуада спортчилар учун барча шароитлар яратилган. Махсус мураббийлар гуруҳи бошчилигида спортчилар йирик халқаро турнирларга тайёргарлик кўришади. Айни шу кунларда Нилуфар Зоирова ва Дилшода Раҳматова қатъий график бўйича машғулотларда қатнашишмоқда. Яқинда улар Венгрияда якунланган жаҳон чемпионатида барча босқичлардаги шартларни аъло

БИРИ ЎНАҚАЙ, ИККИНЧИСИ ЧАПАҚАЙ



даражада бажариб, 2020 йилда Токиода бўлиб ўтадиган ёзи Олимпиада ўйинларига йўлланма қўлга киритишди. Бу жуда катта ютуқ.

Икки дугона анчадан бери бирга шугулланишади. Мутахассисларнинг фикрича, бири ўнақай, иккинчиси ча-

пақай бу спортчи қизлар тандеми байдарка ва каноэда ҳаракатланаётганда катта қулайлик яратди.

– Бу қизларни 2012 йилда ўсмирлар ўртасидаги мамлакат чемпионатида илк марта кўрганимдаёқ, уларни республика жамоасига олишни ният қилгандим, – дейди му-

раббий Рустам Мирзадиёров. – Иккиси ҳам жуда иқтидорли. Нилуфар тошкентлик, Дилшода эса Паркент туманидан. Венгриядаги жаҳон чемпионатида уларнинг ғолиб бўлишларига санокли сониялар етмади, холос. Рақиблар ҳам жуда кучли эди. Ҳозирги кунда барча сабъ-ҳаракатимизни Олимпиада ўйинларида юқори натижаларни қўлга киритишга қаратганмиз. Токиодаги мусобақаларда байдарка ва каноэда эшак эшиш йўналишида 12 жуфт медаллар шодаси учун курашилади. Биз ҳам юртимизга медаллар билан қайтиш ниятидамыз.

К. САЛОМОВА
Рашид ГАЛИЕВ
олган сурат

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Файрат
ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:
Электрон почта: toshkenthqiqati@gmail.uz / th-tp@inbox.ru

Телефонлар:

(71) 233-84-95, (71) 233-58-85 (факс)
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бошқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета "Тошкент ҳақиқати"
таҳририяти компьютер марказида
терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев
томонидан сақланган.

Навбатчи муҳаррир
Қўмуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаххач
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Шоҳрўз УМАРЖОНОВ

Буюртма Г-1043. Баҳоси келишилган нарҳда. Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 3 332 нусхада chop этилди

ISSN 2010-9318.